

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ



УКАЗ
ПРЕЗИДЕНТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2018 йил “ 27 ” июнь № ПФ-5467 “ ” 20 г.

“Обод маҳалла” дастури тўғрисида

Мамлакатимизни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини изчил амалга ошириш ва муҳим ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўналишларини самарали ҳаракатга келтиришда шаҳарлар салмоқли хисса қўшмоқда. Юртимизнинг қадим тарихга эга бўлган ёки яқин ўтмишда ташкил этилган 30 дан ортиқ йирик шаҳарларида яшаётган меҳнатсевар аҳолининг самарали фаолияти туфайли ҳар йили ўрта ҳисобда жами саноат маҳсулотларининг 53,4 фоизи ишлаб чиқарилмоқда.

Мазкур салоҳиятдан оқилона фойдаланиш, хусусан тадбиркорликни жадал ривожлантириш, маҳаллий бюджетнинг даромад базасини кенгайтириш, замонавий инфратузилмани шакллантириш ва пировард натижада аҳоли турмуш сифатини яхшилаш каби йўналишлар маҳаллий ҳокимликларнинг устувор вазифаларидан ҳисобланади.

Бироқ, барча даражадаги маҳаллий ҳокимликлар ва коммунал тармоқ корхоналари томонидан бевосита зиммасидаги мувофиқлаштириш вазифасининг тўлиқ бажарилмаслиги оқибатида маҳалладаги ижтимоий ва муҳандислик инфратузилмалари ночор аҳволга тушиб қолган.

Шунингдек, маҳалла аҳолисининг ўзи яшайдиган ҳудудини асраб-авайлаш ва сақлашга масъулият билан ёндашиш ҳисси сусайган. Табиийки, бундай ҳолатда жонажон Ватанимизнинг ҳар бир гўшасида, уйларимизда фаровонлик, файз-барақа бўлмайди, қолаверса маҳаллаларимизнинг ободлиги таъминланмайди.

Ўз навбатида, маҳаллалар ҳудудларида аҳолига хизмат кўрсатадиган тузилмаларнинг фаолияти доимий равишда йўлга қўйилмаганлиги оқибатида аҳоли кундалик ижтимоий-маиший масалалар билан ҳам маҳаллий ҳокимлик ва давлат органларига мурожаат қилишга мажбур бўлмоқда.

Ҳудудларга ташрифлар жараёнида жойлардаги ҳақиқий аҳвол билан танишиш, бевосита маҳаллалар ва хонадонгача кириб бориш ҳамда аҳоли билан мулоқот натижалари шуни кўрсатдики, шаҳар маҳаллаларида қуйидаги тизимли муаммолар мавжуд:

биринчидан, маҳаллаларнинг бош режалари ва батафсил режалаштириш лойиҳаларининг мавжуд эмаслиги ҳамда маҳаллий ҳокимликлар, ҳудудий архитектура идоралари ва маҳалла фуқаролар йиғинлари шаҳарсозлик норма ва қоидаларига амал қилмаганлиги оқибатида жойларда ўзбошимчалик билан бетартиб қурилишга барҳам берилмаяпти;

иккинчидан, шаҳар инфратузилмасини ривожлантириш ишлари ишончли молиявий манбалар билан таъминланмаганлиги оқибатида, уларни ўз вақтида ва тўлиқ модернизация қилиш имконияти чекланиб, коммунал хизматлар таъминотидаги етишмовчилик ва узилишлар юзага келмоқда;

учинчидан, ички йўллар ҳолати талаб даражасида эмас ва уларнинг ўтказиш қувватлари фойдаланиш учун мослашмаган, дренаж-ирригация тизимининг эскирганлиги ҳамда яроқсиз ҳолга келиб қолганлиги сизот сувлар сатҳини пасайтириш имконини бермайди.

Маҳаллалар ҳудудини ободонлаштириш, мавжуд инфратузилмани комплекс ривожлантириш, шунингдек, йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳандислик коммуникациялари ва ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш ҳамда шу асосда аҳолининг турмуш шароитини юксалтириш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг шаҳарларда аҳолининг фаровон яшаши ва самарали меҳнат фаолиятини таъминлашга қаратилган **“Обод маҳалла” дастурини** амалга ошириш, хусусан жорий йилда 2 тадан ва 2019-2022 йилларда камида 3 тадан маҳаллаларда қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини бажариш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Қуйидагилар **“Обод маҳалла”** дастурининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

ҳар бир маҳаллада ўз ичига маҳалла гузарини, тиббиёт масканлари негизида қулай ва арзон дорихоналарни, зарур маиший хизмат ва сервис шохобчаларини, болалар майдончаси ҳамда кичик истироҳат боғини қамраб оладиган **“маҳалла маркази”**ни барпо этиш;

ҳар бир маҳалланинг тарихан шаклланган тадбиркорлик ва ҳунармандчилик салоҳиятини ҳамда маънавий-маданий анъаналарини қайта тиклаш ва ривожлантириш;

маҳалла ҳудудида бўш турган ер майдонларини ёки фойдаланилмасдан турган бино ва иншоотларни тадбиркор ва ҳунармандларга **“ноль”** қийматда бериш асосида микро саноат зоналарини ва ҳунармандчилик марказларини ташкил этиш ҳисобига маҳалла аҳлини иш билан таъминлаш;

маҳалла аҳлини электр энергияси, ичимлик суви, кўмир ва табиий газ билан ишончли таъминлаш, маиший чиқиндиларни тўплаш ва чиқаришнинг зарур инфратузилмасини яратиш ва ҳар бир оила энергия ва коммунал хизматлар учун тўловларни тўлиқ ва ўз вақтида амалга ошириши ва хонадонлардаги ўлчов-ҳисоблаш ускуналарининг бир маромда ишлаши учун маҳалланинг масъулиятини кескин ошириш;

суғориш учун мавжуд сув ресурсларидан келиб чиқиб ариқ-ирригация тизимини мослаштириш, коллектор ва дренаж тизимларини модернизация қилиш, сизот сувлар сатҳини пасайтириш;

маҳалла аҳлининг эҳтиёжига мос келадиган, кенг ички йўлларни ва пиёдалар йўлакларини қуриш ҳамда таъмирлаш, йўл бўйини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, ташки ёритиш тизимларини барпо этиш;

маҳалла ҳудудидаги мактабгача таълим муассасаларини, умумтаълим мактабларини, тиббиёт, маданият ва жисмоний тарбия ҳамда спорт ташкилотлари бино ва иншоотларини устувор равишда реконструкция қилиш ва таъмирлаш;

ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож оилаларга уларнинг уй-жойларини таъмирлашда моддий ва молиявий ёрдам кўрсатиш ҳамда аҳолини қурилиш материаллари билан имтиёзли тарзда таъминлаш;

ҳар қандай қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини, шунингдек, маҳалланинг замонавий шаҳарсозлик қиёфасини яратишга қаратилган барча лойиҳаларни фақат бош режага мувофиқ ҳолда амалга ошириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси маҳаллий ҳокимликлар ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда аҳолига хизмат кўрсатадиган тузилма ва ташкилотлар бўлинмалари (вакиллари)нинг фаолиятини ташкил этиш ҳамда уларнинг мунтазам равишда ишлашини таъминлашга қаратилган вазифа ва йўналишлардан келиб чиқиб, “Обод маҳалла” дастури параметрларини шакллантириш ҳамда амалга оширишнинг узоқ муддатли механизми ва аниқ манбаларини аниқлаб, ижросини таъминлашга қаратилган қарор лойиҳасини киритсин. Бунда:

кўп хонадонли ва якка тартибдаги уй-жойларни таъмирлаш ва уларга туташган ҳудудларни ободонлаштириш, пиёдалар йўлаклари, ирригация ва суғориш тизимлари ҳамда чиқинди йиғиш майдончаларини барпо этиш;

маҳалла ички автомобиль йўлларини ва транспорт коммуникация тизимини таъмирлаш, ичимлик суви ва оқова сув таъминотини яхшилаш, электр энергияси ва газ таъминоти ҳамда кўчаларни ёритиш тизимини тиклаш, иссиқлик тармоқларини модернизация қилиш;

ижтимоий соҳа объектлари, замонавий спорт иншоотлари ва маҳалла гузарларини ташкил этиш, бозор инфратузилмаси объектлари, жумладан ҳаммом, савдо ва маиший хизмат мажмуаларини қуриш;

маҳалла ҳудудидаги лойиҳаларни жойлаштириш ва бўш ерларни ажратишда маҳалланинг равнақига хизмат қиладиган йўналишларга устуворлик бериш ва бу борада барча даражадаги архитектура органлари мутасаддиларининг шаҳарсозлик талабларига сўзсиз риоя қилиш юзасидан шахсий масъулиятини ошириш;

маҳалла аҳолисининг фаровон турмуш кечириши учун муносиб шароит яратиш, мавжуд ижтимоий ва муҳандислик инфратузилмаларини сақлаш, асраб-авайлаш вазифаларини барча даражадаги маҳаллий ҳокимликлар зиммасига шахсан юклатиш;

дастурда ҳар бир маҳалла фуқаросининг ободлик учун кўнгилдан чиқаётган орзу-умидларини рўёбга чиқариш ва шахсий ҳиссасини қўшишда барча имкониятларни сафарбар этиш, бунёдкорлик ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш, “маҳалла ободлиги хонадон ободлигидан бошланади” деган ташаббус асосида ўз маҳалласини обод қилиш учун аҳолида масъулият ҳиссини кучайтириш;

аҳолига кундалик ижтимоий-маиший хизмат кўрсатадиган хизматлар ва тузилмалар фаолиятини бевосита йирик (ўртача доимий аҳоли сони 4 минг кишидан ортиқ) маҳаллаларнинг ўзида йўлга қўйиш назарда тутилсин.

4. “Обод маҳалла” дастури доирасида бажариладиган қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини молиялаштириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида шаҳарлар ва туманлар учун “Обод маҳалла” жамғармалари ташкил этилсин ҳамда қуйидагилар уларнинг манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратиладиган трансфертлар;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ва уларнинг қўшимча маблағлари;

“Маҳалла” хайрия жамоат фонди, ҳашарлар ва хайрия тадбирларини ўтказиш ҳисобидан тушадиган маблағлар, ташкилотларнинг ҳомийлик хайриялари;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси маблағлари;

халқаро молия институтлари ҳамда хорижий давлатлар грант маблағлари;
ташаббускор тадбиркорлар маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Белгилаб қўйилсинки:

2018 йилда “Обод маҳалла” дастурига киритилган маҳаллалардаги ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектлари, ички йўллари қуриш ва таъмирлаш, ичимлик суви таъминоти ва канализация ҳамда коллектор ва дренаж тизимларини модернизация қилиш ва сизот сувлар сатҳини пасайтириш ишларини молиялаштириш учун қўшимча равишда талаб этиладиган маблағлар тенг улушларда Ўзбекистон Республикаси республика бюджети, давлат мақсадли жамғармалар ҳамда маҳаллий бюджетлар ҳисобидан, келгуси йилларда эса Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурлари маблағлари ва халқаро молия институтлари ҳамда хорижий давлатларнинг грант маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

“Обод маҳалла” дастури доирасида амалга ошириладиган электр энергияси ва табиий газ таъминоти, алоқа тизими ва умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари таъмирлаш ишлари “Ўзбекэнерго” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ, “Ўзбектелеком” АК, Республика йўл жамғармаси ҳамда бошқа ташкилот ва тармоқ корхоналарининг ўз маблағлари ҳисобидан тегишли мақсадлар учун тўғридан-тўғри молиялаштирилади;

“Обод маҳалла” ва “Обод қишлоқ” дастурлари доирасида бажариладиган таъмирлаш ишлари (капитал қурилишдан ташқари) ва ободонлаштириш тадбирлари уларни лойиҳалаштириш билан бир вақтда амалга оширилади ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан мустақил равишда тасдиқланадиган манзилли рўйхат асосида молиялаштирилади;

“Обод маҳалла” ва “Обод қишлоқ” дастурлари доирасида бажариладиган қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш ҳамда объектларнинг иш ҳажми ва смета қийматларини асоссиз равишда ошириб юбормаслик учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари шахсан масъулдир.

6. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда келгуси йилларда ривожланиш дастурлари параметрларини белгилашда “Обод маҳалла” дастурига киритилган объектлар учун зарур миқдордаги маблағларнинг назарда тутилишини таъминласин.

7. “Обод маҳалла” дастурига киритилган маҳаллаларда қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини бажариш учун маҳаллий қурилиш материаллари, буюмлари ва жиҳозларини етказиб берадиган ишлаб чиқариш корхоналарига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги “Обод қишлоқ” дастури тўғрисида”ги ПФ–5386-сон Фармонининг 7-банди билан тақдим этилган имтиёзлар татбиқ этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари, секторлар раҳбарлари, хўжалик бирлашмалари, корхона ва ташкилотлар билан биргаликда:

“Обод маҳалла” дастурига киритилган маҳаллаларда қурилиш ва ободонлаштириш ишларига ишсиз аҳолини 6 ойлик муддатгача жалб қилиш ва биринчи ойлик иш ҳақини иш бошлаган кунда олдиндан 50 фоизини бўнак сифатида тўлаш шартларида ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этсин;

маҳаллаларда бўш турган бино ва иншоотларда микро саноат зоналарини ташкил этиш, ижтимоий соҳа ва бозор инфратузилмаси объектларини қуриш, шунингдек, аҳолига хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчаларини барпо этиш орқали янги иш ўринлари яратиш ва аҳолининг иш билан бандлигини ошириш чораларини кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда маҳаллаларда аҳолини, жумладан ёшларни иш билан таъминлаш учун микро саноат зоналарини ташкил этиб, замонавий ихчам ишлаб чиқариш корхоналари ва маиший техникаларга хизмат кўрсатиш шохобчаларини жойлаштирсин.

Бунда ҳудудларда фойдаланилмасдан бўш турган бино ва иншоотлардан самарали фойдаланиш таъминлансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда “Обод маҳалла” жамғармаларини ташкил этиш, унинг маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини тасдиқласин ҳамда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказсин.

11. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Миллий ахборот агентлиги, Матбуот ва ахборот агентлигига барча турдаги оммавий ахборот воситалари билан биргаликда “Обод маҳалла” дастури доирасида амалга оширилаётган улкан қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини батафсил ёритиб бориш ва кенг халқ оммаси орасида тарғиб қилиш тавсия этилсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.А.Худайбергенов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри